



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2023 йил 2 ноябрь, пайшанба, №121 (3317).

САЙЁХЛИК – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Давлат раҳбари ҚР Туризм ва спорт вазири Ерменек Маржиқаевни қабул қилди.

Қасим-Жұмарт Тұқаевга визерлікнің жорій ійлдегі фаолияты ва истиқболдағы режалары ҳақида мағлұмут берилди.

Давлат раҳбарына Хитойда үтгап Осиё да Парасоиә үйиннәре якунлары бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари юзасидан хисобот берилди.

Президент соҳани ривожлантириш ва бу бародаги ишларни сифатли ва босқичма-босқич амалга ошириш юзасидан топширилди.

Шунингдек, давлат раҳбарига визерлік тизимидаги қончуклик базасини тақомиллаштириш, мамлакатнинг сайёхлик салоҳиятини янада ривожлантириш масалалари ҳақида ахборот берилди. Вазир сўнгги йилларда тармоқни ислоҳ қилиш, миллий

Қозоғистон Республикаси Баш вазири ўринбосари Серик Жумангарин жойларда амалга ошириләттән бүнәдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимои-иқтисодий испоҳотларнинг бориши билан яқындан танишиш, ҳалқ билан мулоқот қилиш мақсадида Туркистан вилоятига ташриф буорди.



ЯГОНА МАҚСАД, ЯГОНА ТАРИХ, ЯГОНА ЭЛ



Туркистан шаҳрида ҚР Маданият ва ахборот вазирилиги шағелигидә Қозоғистон халқи Ассамблеясининг "Ягона эл" ўшлар тарихий-маърифий тадбири үтди. Утрашувни "Жамоат тотувлиги" ДКК директори ўринбосари Нурлан Шубаев олиб борди.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси Парламенти депутатлари, шунингдек, Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирилиги, этномаданият бирлашмалари, "Әшлар асамблеяси" республика ўшлар ташкилотлари вакиллари, маданият арбоблари, блогерлар, кўнгиллilar ҳамда олис қишлоқларда истиқомат қипувчи турли тоифадаги ўшлар иштирок этди.

»» "Жанубий Қозоғистон" – ҳар бир хонадонга!

МАЊАВИЯТ ТАЛАБИ, ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК МЕЗОНИ

Кентов шаҳар таълим бўлими раҳбари Адил Ауэлбековнинг қабулига шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, ҳуқуқшунос Санобар Самиева ҳамроҳлигида ташриф буордик.

Мақсад – "Жанубий Қозоғистон" газетаси обунасини 2024 йилнинг биринчи ярмига Кентов шаҳри ва Қарноқ қишлоғи умумтаълим ўрта мактаблари, мактабчагча тарбия мусасасаларида уюшоқли ташкил этиш эди. Зоро, хоziрги ва аввали ярим йилликлар обуна кўрсаткичи вилоятимизнинг бошқа худудларига нисбатан кам.

А. Ауэлбекова жорий йил 1 сенябрдаги давлатимиз раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаевнинг "Адопатли Қозоғистоннинг иқтисодий йұналиши" Мактуби чөп этилган "Жанубий Қозоғистон" газетаси тақдим этилди. Ўзаро сұхбат давомида ўзбек тилида таълим берувчи мактаблар жамоалари учун давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсатини 32 йилдан бўён она тилида тарғиб этиб, турфа ҳәйтті мақолалар чөп этиләттән нашр истиқболи ҳақида фикр алмасилди.


Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.



"Тарихи билиш – авлодлар бурчы", "Ватанға хизмат қилиш – ҳар бир фуқаронинг бурчы" мавзуларida мағруза қилиши.

Лойҳа доирасида ўшлар иштирокида Туркистан вилоятининг тарихий масканларига сәхатлар ташкил этилди.


Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.



6 ОЙГА ОБУНА БАҲОСИ:
«Қазпошта» ҲЖ орқали –
Туркистан вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 55466

»» Қозоғистон мустақиллигига – 32 йил



ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ БЕБАҲО

32 йилдан бўён Мустақиллигимизнинг ҳар йили ортимизда эрkin демократик жамиятни барпо этиш солномасини алоҳида, сермазмун саҳифа билан безаз бормоқда. Ҳар бир йил мустақиллик даврида кечёттган умримиз ва тафаккуримизда, турмуш тарзимизда ўзига хос қолдириди.

Бугун биз ўтган аср тўқсон биринчи йили декабридан бошланган янги, эрkin ҳаётимиз тарихига назар ташлаб, шу йиллар мобайнида кўп миллатли халқимиз томонидан амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қиласларини, шу қисса вақтда нақадар мурракбаб, аммо улуғвор, асртаги гул шонли йўлни босиб ўтганимизга амин бўламиш. Факат биз эмас, жаҳон ҳамжамияти Қозоғистон ўзи танлаган, халқига, миллӣ манфаатларига хос ва мос йўлдан дадил одимлаёттанига, ҳар бир йилни барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунлаб, янада фаронов ва баҳти ҳаёт тадоригини кўраёттанига гувоҳ бўлиб туриди.

Давлатимиз раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев таъкидлайдигендек, биз учун Мустақиллик – халқимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-этибори, шон-шавкатини юксалтирадиган соглом авлодни, ҳар жиҳатдан барқамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва баҳтини кўришdir. Ҳар бир фуқаро учун миллати ва диний эътиодидан қатъиназар – эркинлик, тенглик – муносиб шароити яратиб берисиди.

Мустақиллик. Янги Қозоғистоннинг широрига кўра – тенглиkdir, одамлар, халқлар, давлатлар ўртасида тенглик. У бор жойда адопат ҳукм сурди.

Истиқтол – ҳурмат, қадар! Умуминсоний қадриятларга таяниб яшамош.

Хуррият – халқларнинг бир-бiri билан самимий муносабатда бўлиши, давлатларнинг бир-бiri билан дўсттона алоқа ўрнатишидир.

Мустақиллик жаҳон ҳамжамиятидан ажralиш дегани эмас. Дунё муаммолари, ўз тақдир тўғрисида қайгуриш, жон кўйдириш, фидойилик кўрсатишидир.

Мустақил оадамда эркин дунёқараш, эркин тафаккур бўлади. Мустақил оадамингениг ёки бўлмайди. Бундай оадамга тобелик тамоман бегона.

Мустақиллик – ҳамкорлик, ҳамжihatлиқ. Бу ҳамкорлик, ҳамжihatлиқ сиёсий, иқтисодий, ижтимои муносабатларда, умуман ҳар томонлама алоқаларда ўз аксии топади.

Мустақиллик – ҳаракат, интилиш, қобилиятдир.

Кундан кунга обод бўлаётган қишлоқлар – бизниси, шахарлар – бизниси!

Дунёning бошқа ҳеч жойида йўқ нозу-неъматларга бой бозорлар – бизниси!

Қозоғистон Республикаси – 20 миллион қозоғистонликнинг Ватани!

Ҳаммаси бизниси, демак, уларни кўз қорачигимиздек авайлаб-асраси ҳам бизнинг зиммамида!

Бу фикр, бу тушунчаликни бозига истиқол берди.

Истиқтол – барча қозоғистонликларни, дея фахр ила айта оламиз.

Мустақиллик мағкураси, янги Конституция, янги иқтисодий сиёсий, янги қадриятлар руҳида камол топган, замонавий билимларни чуқур эгаллаган, ўтмиш аждодларнинг маънавий меросидан баҳраманд янги авлод вояга етди. Бу авлод – бизнинг энг катта ютуғимиз, мамлакатимизнинг, ҳалқимизнинг буюн ишончи ва таяницидир.

Барча жаҳбаларда ўтган ана шу қисса давр ичидаги асртаги ютиқларга ёришдик. Кундан-кун чирой очиб бораётган Туркистонни кўринг, янгидан курилётган йўллар, иншоотлар, хуллас, улкан бунёдкорлик ишлари бўнинг ҳәйтті ифодасидир. Буларнинг барчиси ҳалқаро майдонда муносиб тан олинаётгани, обрў-этибормис ошаётгани фахру ифтихоримиз манбайдир.

Муҳтасар қилиб айтганда, ортимизда олиб бориляётган туб ислоҳотларда ахолини ижтимои кўллаб-кувватлаш, турмуш шароитини янада яхшилаш, фаронлигини таъминлашдек эзгу ғоялар қамрап олинган. Зоро, ижтимои адопат, конун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидандир.

Президент раҳнамолигидаги Янги Қозоғистонни барпо этиши устувор мақсад сифатида белгиланди. Мақсад дегани – ҳалқни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисли бир байроқ. Бу байроқ бутун Қозоғистон ҳалқининг руҳини, гурур-иғтихорини, қудратини, орзулатирилган турли ҳудудларида ободончилик, бунёдкорлик ишлари бардавон бўлаверади. Осоишталик хукмронки, ёшлияримиз замонавий таълим масканларида таҳсил олиб, илм-фан чўққиларини эгаллашмоқда, фан, санъат ва спорт соҳаларида мислсиз ютуқларни кўлга киритишмоқда. Юртимиз осойиштада экан, ҳар куни байрам, ҳар куни шодиёна.

Дунёning турли бурчакларидан келган меҳмонлар мамлакатимиздаги ахиллик, барқарорлик ва тараққиётга ҳавас билиш мөмкун.

Қозоғистонликларнинг бирлиги – мамлакатнинг олга интилиши учун беъбаш обижаётдир.

Бу каби тараққиёт замонида шукроналик, ҳаётдан мамнунлик ётса, ўзагида тинчлик сингари олий неъматлар қарор топади. Тинчлик барқарор экан, ортимизнинг турли ҳудудларида ободончилик, бунёдкорлик ишлари бардавон бўлаверади. Осоишталик хукмронки, ёшлияримиз замонавий таълим масканларида таҳсил олиб, илм-фан чўққиларини эгаллашмоқда, фан, санъат ва спорт соҳаларида мислсиз ютуқларни кўлга киритишмоқда. Юртимиз осойиштада экан, ҳар куни байрам, ҳар куни шодиёна.

Дунёning турли бурчакларидан келган меҳмонлар мамлакатимиздаги ахиллик, барқарорлик ва тараққиётга ҳавас билиш мөмкун.

Тараққиёт ва фаронлик сари интилаётган Қозоғистонимиз абадий, тинчлигимиз барқарор бўлсин!

А. АБДУФАТТОХ.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ – ВИЛОЯТИМИЗДА


ҚР Бош вазирининг ўринбосари Серик Жумангарин хизмат сафари билан вилоятимизга ташриф буюриб, Сайрам ва Ўрдабоши туманинни оралаб, тадбиркорлар билан учрашид. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди миңтақада мол бўрдоқиша, гўшт экспорти, иссиқхона хўжалигидаги лойиҳалар ҳақида маълумот берди.

Бош вазир ўринбосари ва миңтақа раҳбари Ўрдабоши тумани, Бадам қишлоғига жойлашган "Берте Милка" сутчилик фермасига ҳам бориши. Юзга яқин киши иш билан таъминланган фермада сут етиширилиб, қайта ишланади. Вазир мувонинга корхонанинг янги лойиҳалари тинширилди, тадбиркорлар фикрлари тингланди.

Серик Жумангарин ва вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Шубар қишлоғига сабзавотчилик билан шуғулланадиган "Түлебаев Мейримбек" иссиқхона мажмусида бўлиши. 10 гектар майдонни эгаллаган мажмунинг сармоявий қўймаси – 300 млн. тенге. Иссиқхона хўжалиги билан шуғулла-



надиган тадбиркорлар билан учрашган делегация аъзолари ишга салбий таъсир кўрсатадиган омилларни ошкора айтиш мақсадга мувофиқлигини ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан қўллаб-куватланишини таъкидлаши.



ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ – БОШ МАҚСАД

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лойиҳа ташаббускори ва ижрочиси "Туркестон" ижтимоий-тадбиркорлик корпорацияси, ҳамкори "М-Адал" МЧБ. 1 гектар майдонда жойлашган омбор 2024 йилнинг биринчи яримда фойдаланишга топширилади. Саврон тумани худудидаги мазкур омборда 4 минг тонна сабзавот сақланади. 35 киши иш билан таъминланади.

– Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани сингари Туркестон вилоятида ҳам ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Уларни ишга тушириб, қўшимча даромад тошиб, ҳалқимиз фаровонлигини янада ошириш мумкин. Бунинг учун одамларда тадбиркорлика қизиқиши кучайтириш, томорқадан унумли фойдаланиш керак. Юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, ахолига арzon ва сифати маҳсулотлар етказиб беришга алоҳида ётибор қартилмоқда. Шу мақсадда дехқончилик тобора ривожлантирилиши керак, – деди Бош вазир ўринбосари.

Серик Жумангарин шу ерда бир гурух нуронийлар билан сұхбатлашиди. Улар вилоятимизнинг барча худудларида амалга оширилаётган тизимишли ошотлардан, ўзгаришлардан одамлар рози эканини қайд этиши.

Бош вазир ўринбосари вилоятда ишлаб чиқариши соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан ҳам таниши. Жорий йилда вилоядада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 681 млрд. тенгени ташкил этиди (4,7 фоизга ўсди). Қайта ишлаш саноатида жорий йилда умумий қўймати 30 млрд. тенгелик 20та лойиҳани амалга ошириш ва 594та иш ўрни яратиш режаланган. Йил бошидан бўён 12та лойиҳа ишга туширилиб, янги иш ўрнлари очилди.

ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ҚР Бош вазири ўринбосари Серик Жумангарин вилоят ҳокими Дархан Сатибалди билан бирга Туркестон вилоятининг бизнес ҳаммамиятия билан учрашув ўтказди. Эркин шаклда ўтган йигинда ишлаб чиқариш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлаш тадбирлари ва қайта ишлаб соҳаларини ривожлантириш масалалари мухокама қилинди.

Минтақага сармоя жалб қилиш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бош вазир ўринбосарига Келес туманинни йирик иссиқхона лойиҳаси тинширилди. Унинг доирасида 42

млрд. тенге сармоя жалб қилиниб, кунгабоқар етишириш ўйлга кўйилади, 51 гектардан зиёд иссиқхона барпо этилади. Иssiқхona курилишининг биринчи босқичида мингга яқин одам иш билан таъминланади.

Вилоятимизда мамлакатимиздаги ёнг йирик нефтни қайта ишлаб заводи курилмоқда. Келгуси йилда фойдаланишга топшириладиган "Standart Petroleum & Co" компанияси куввати 2 миллион тонна нефтни қайта ишлаб лойиҳасини юритмоқда.

Вилоятимизда қўймати 722 млрд. тенгелик «Үгам дарёсида сув электр станцияларининг каскади» барпо этилмоқда. Мазкур лойиҳа тўлиқ ишга туширилса, вилоят жанубидаги аҳоли ичимили сув

билан таъминланади. Вилоятимизда 136,6 млрд. тенгелик кимё мажмуси барпо этилмоқда. У ерда минг нафарга яқин киши иш билан банд бўлади.

Учрашув давомида паҳтани қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошидиган лойиҳалар тинширилди. Айниқса, тўқимачилик кластерини ривожлантиришга ётибор кучайтирилган.

– Мақсадимиз – янги корхоналар очиш орқали иш ўрнлари яратиш. Ишлаб чиқарладиган маҳсулотлар сонини кўпайтириш, аҳоли даромадларини ошириш. Бюджет маблагига ишоншиб ўтиришининг вақти эмас. Сармоя киритишни истаганлар билан ҳамкорликка тайёрмиз, – деди Дархан Сатибалди.

ВАЗИР АҲОЛИ БИЛАН УЧРАШДИ

Туркестон вилоятига иш сафари давомиди Экология ва табий заҳиралар вазири Ерлан Нисанбаев вилоят аҳолиси билан учрашув ўтказди ва уларнинг саволларига жавоб берди.

Учрашувда вилоят ва туман ҳоимликлари, вазирликнинг худудий бошқармалари, вилоят ҳоимлиги бошқармалари вакиллари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Йигинши бошқарма ва вазирликнинг расмий интернет-тармокларида жонли эфирда намойиш этилди.

Учрашувдан сўнг вазир матбуот анжуманида ОАВ вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб берди ва фуқароларни шахсан қабул қилди.

Туркестон вилоятига хизмат сафари билан ташриф буюрган Қозоғистон Республикаси Экология ва табий заҳиралар вазири Ерлан Нисанбаев вилоят ҳокими ўринбосари Ермек Кенжеханули Хожа Аҳмад Яссавий университетининг ботаника боғига ташриф бўюриши.

Университет ректори Жанар Темирбекова боғининг фаолияти билан танишилди.

29 йил муқаддам Аҳмад Яссавий университетида 88 гектар майдонни эгаллаган "Ботаника боғи" ташкил этилган эди. Унга мамлакат ва кўнши мамлакатлардан 127 турдаги манзарали, меваали, дараҳт-бута ва гулли ўсимликлар ўтказилган.

Ерлан Нисанбаев шаҳардаги "яшил белбог"ни кўздан кечириди ва олиб бораётган ишлар билан таниши.

ВАЗИР ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ



>>> Тайинлаш



БОШҚАРМА РАҲБАРИ ТАЙИНЛАНДИ

Миллий хавфсизлик қўймитасининг Туркестон вилояти бошқармаси раҳбари лавозимига миллий хавфсизлик генерал-майори Бўлат Аюбайли Қалмурзаев тайинланди.

Бунгача у Миллий хавфсизлик қўймитасининг Қизилпурда вилояти бошқармаси лавозимига бошлиғи лавозимида фаолият юртган.

ҚОЗОҒИСТОН ВА РОССИЯ: ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ КУН ТАРТИБИДА



Туркестон шаҳрида вилоят тадбиркорлик ва саноат бошқармаси ҳамда "Туркестон INVEST" МЧБ ташкилотчилигига ҚР ва Россия Федерацияси ўтасидаги ҳамкорлик бўйича хукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йигилиши ўтди.

Тадбирда иккى мамлакат ўтасидаги ҳамкорлик ва савдо масалалари мухокама қилинди.

Учрашув якунидаги делегация вакиллари маданий дастурлар билан танишилар.

"ҚОЗОҒИСТОННИНГ ЭНГ ЯХШИ МАҲСУЛОТЛАРИ" ТАНЛОВИ

Астана шаҳрида ўтган "Қозоғистоннинг энг яхши маҳсулотлари" Республика кўрик-тандловида 180та корхона вакиллари иштирок этди, улардан 9 нафари туркестонли тадбиркорлар. Анъанавий кўргазма-ярмаркада энг сара маҳсулотлар шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари ётиборига ҳавола этилиб, тандлов голиблари аниқланди.



СЎЗОҚДА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АВЖИДА

Сўзоқ туманида оммавий шанбалик ўтказилди. Унда барча муассаса ходимлари, тадбиркорлик субъектлари сохиблари, туман аҳолиси иштирок этди.

Тозалаш ишларига 1480 киши сафарбар қилиниб, 13та маҳсус техника иштирок этди. Натижада, 38 чакирим кўча ва 11 чакирим пиёдалар ўйлаклари тартибида келтирилди.

Шунингдек, Чўллоккўргон – Туркестон йўналишидаги "Яшил белбог" худуди тозаланди. Ижтимоий иншоотлар ҳовлилари, истироҳат боғлари ва "Яшил белбог" худудига 2480 туп дарахт кўчатлари ўтказилди.

Дам олиш кунларида 70 тоннадан зиёд аҳолат маҳсус чиқиндиҳоналарга ташилди.

341 МИНГ ТОННА МОЛ ОЗУҚАСИ ТАЙЁРЛАНДИ

Ўрдабоши туманида ём-хашак тайёрлаш режаси бажарилди.

Туман ҳокими Азат Уралбаев қишлоқдаги чорвачилек хўжаликларида бўлиб, уларнинг мол қишлоғига тайёрларигини кўздан кечирди.

Жорий йилда туманда 322,9 минг тонна озуқа тайёрлаш режаланган, бугунги кунда 341 минг тонна ём-хашак таҳтадан.

>> Газетхон хонадон – жамият кўрки

Ғанимат ва Рўза Рўзиматовлар оиласи Тўлебий туманидаги ибратли оиласлардан. Ғанимат Рўзимат ўғли катта-ю кичикка бирдай маслаҳатгўй. Шириң сўзини одамлардан аямайди, упарга интилади, самимий ва дилкаш гурунглар қиласди. Унинг ўзи каби сұхбатлари мазмунли, гурунглари қизиқарли. Бу инсон билан бир бор сұхбатлашган кишининг яна мулоқотда бўлгиси, яна дийдорлашигиси келади...

Отахоннинг хотирасига ҳавас қўпса арзиди. Салкам етмиш йиллик тарихини яхши билади. У бажъи воқеаларни иили, ойи, ҳатто кунигача аниқ айтиб бера олади. Ф. Рўзиматвонинг ҳәтида яхши-ёмон кунлар ўтган.

Ғанимат ака тиббиёт ўкув юртими тамомлаб, мактабда тиш доктори, Шимкент шаҳридаги телеминорада мухандис, "1 Мамир" давлат хўжалигидаги 37 ийл радиотехник сифатида фаолият юритди, шу ердан нафақага чиқди.

Рўза опа 1977 иили университетни тамомлаб, Шимкентдаги 21-сонли мактабда, сўнг 41 ийл Киров – хозирги Ал Форобий номли мактабда музаллималик қилди. Фарзандлари Баҳром – савдо соҳасида, Камола ва Жўрабек мактабда ўқитувчи, Шерзод – ҳарбий соҳада хизматда. Рўзиматвлар хонадони ярим асрдан зиёд давр мобайнида намунали оила сифатида эътироф этиб келин-

ган. Оила ва фарзандлар тарбияси борасида бу оиласнинг ўз тажрибалири ва сабоқлари бор. Тарбиянинг асосий илдизлари миллий анъаналар, қадриятлар билан бевосита уйғунлашиб кетган. Бу оиласда азалдан бир-биirlарига меҳр-оқибатли бўлиш, ҳар қандай ҳолатда ҳурматларини жойига кўйиш, қадрлаш ҳамда ўй-рўзгор ишларидан бениннат ёрдам бериши тўғри тасмилланган. Айнича, ўта мураккаб даврда, энг оғир шароитда ҳам ҳалоллик оиласнинг асосий маёғи бўлиб қолган.

– Оиласнинг мустаҳкамлиги нимага боғлиқ? Қадимдан оиласнинг муқаддас эканлигига алоҳида ургу берни келинган. Ушбу таърифа сизнинг муносабатнинг қандай? – сўрадик Ғанимат Рўзимат ўғлидан.

– Оиласи мен муқаддас қўргон деб биламан. Қўргон қанча мустаҳкам, бақувват бўлса, унинг ичидагилар шунчалик бехатардир. Нега муқаддас? Чунки Аллоҳ таоло иродаси билан оила ташкил топган ва уни қиёматгача пок тутмоқ бизга буюрилган. Уни мустаҳкам қиласди-

ган ришталардан бири, бу энг аввали ота-онанинг, яъни эр-хотиннинг тутувлигидир. Фарзандларга бола-

Сталин даврида қатағонга учраб, дўёнконларини ташлаб, Тўлебий туманига келиб қолган экан. Падари бузрукворим ҳам, онам ҳам ҳалол инсонлар бўлган. Биз, фарзандларни ҳам ҳалол ризқ билан боқсанлар.

Улар оиласнинг ҳақиқий ҳалолвати фақат ҳалолликда, деб билглар. Ҳалол бўлсанг ҳамманинг олдида сўзинг ўткир, юзинг ёрў бўлади, дердилар. Ҳалоллик ҳамиша оиласнинг аஸровчи қўргон. У йўқ жойда оиласдан барака қочади, вояга етган болаларда меҳр-муҳаббат ва оқибат бўлмайди. Ҳалоллик одамни сабр-қаноатли, инсоф-диёнатли бўлишга ўргатади. Унда ҳикмат кўп...

– Нима деб ўйлайсиз, умуман тарбиянинг ўлчови, мезонлари нималар билан белгиланади? – сўраймиз Рўза опадан.

– Тарбияда танбех ҳам, терташ ҳам меъёридан ўтмаслиги лозим. Сабр-қаноат қиласи оила барака топади, тинч-тотув яшайди. Боланинг ёшига қараб меҳр бериш керак. Унинг орзу-истакларини аниқлаб, амалга ошириш лозим. Оиласда, албатта, отанинг нуғузи юксак, шу

билан бирга у ҳар жиҳатдан ибрат булиши шарт. Отанинг обрўйи, меҳрига жуда кўп нарса боғлиқ, – дейди устоз.

Бебаҳо неъмат – фарзанд тарбиялаб, уларни жамиятнинг фозил инсонлари сифатида камолга етказган Ғанимат ака ва Рўза опа чин маънодаги оиласларвар инсонлардир.

– Газетхон хонадон – жамият кўрки, деймиз. Сизнинг хонадоннинг Мустақиллик давридан бўён "Жанубий Қозғистон" газетасига ошно...

– Ўқувчипаримнинг мақолалари 70-йилларда ёт. Москвада нашр этиладиган газета-журналларда чоп этилган, улар республика олимпиадаларида ғолиб бўлишган. У пайтда болалар газета ва журналлари ривожланган эди. Қичқинтойлар учун нашрларни кўплайтириш керак. Болаликда газетага қизикан бола улгайгандан, албатта, "Жанубий Қозғистон"ни мунтазам ўқибдиган бўлади.

Қозғистонномизнинг тараққий этишида, шубҳасиз, мустаҳкам ва ибратли оиласларнинг муносиб ўрни ҳамда хиссаси мавқуд. Жўмладан, Ғанимат ака оиласининг ҳам. Тилагимиз – ҳалолликдан ҳаловат ва ҳикмат топаётган ибратли оиласлар кўпаяверсин!

Б. ДЎСМАТОВА.



ОЗАРБАЙЖОНДА ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

Туркистон мусиқали драма театри Озарбайжоннинг Шуша ва Боку шаҳарларида ўтадиган милллат раҳнамоси Гейдар Алиевнинг 100 йиллиги, ТУРКСОЙ ташкилотининг 30 йиллигига багишланган ҳалқаро театр фестивалида "Қўрқит ҳақиқадаги афсона" спектакли билан иштирок этишади.

Фестивалнинг мақсади – ТУРКСОЙ ва барча туркӣ ҳалқлар ўтадигандаги ҳамкорлик истиқболларини янада кенгайтириш, замонавий театр санъатининг илгор намуналарни билан таништириш, ҳалқаро алоқаларни ривожлантириш, янги саҳна асарлари машҳур бўлиши учун шароитлар яратиши.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.



>> Обуна – 2024

ФАХРИЙЛАР ОБУНАДА НАМУНА



Мамлакатимизда давлат оғанглари билан бир қаторда турли жамоат ташкилотлари ҳам жамиятдаги тинчлик-осоиштаслик ва барқарорликни таъминлаш борасида самарали хизмат қилишмоқда.

Бугун мана шундай масъулиятли вазифани сидқидилан адо этаётган "Тинчлик шартиноси ҳарбий кучлари фахрийларининг "Мўрагер" Республика жамоат бирлашмаси ҳақида ҳикоя қимоқчилигиз. 2022 ийли 10 нообряд ташкил этилган ушбу ташкилотнинг филиаллари эндилика 9ta вилоят, учта мегаполисда фаолият кўрсатмоди. Бирлашма сафида 3 мингга яқин аъзо бор.

Жорий йил март ойидан фаолиятини бошлаган Сайрам туман "Мўрагер" ташкилотининг аъзолалари сони эса 200 нафар.

– Мақсад – Ватанга мұхаббатни кучайтириш, мамлакатимиз кунда у таникли нотариус. Яқин

сарҳадларини ҳимоя қилиш, аждодлардан мерос урғ-одатлар ва миллий қадрияларга хурмат уйғотиш, ёш авлоди байналмилаллини руҳида тарбиялаш, – дейди бирлашма раиси М. Алиев. – Шу кунгача Манкент қишлоғидаги Ал Форобий ва А. Навоий номли мактабларда спорт мусобақалари ўюнтирилди. Шунингдек, бир неча муассасаларда фахрийларимиз билан учрашувлар ўтди.

Бирлашма аъзолари, асосан, Германия, Венгрия, Польша, Чехословакия, Мўгулистандаги давлатларда аскарлик бурчани ўтаган ҳамкорларимиздир. Хусусан, "Мўрагер" бирлашмасининг Сайрам туман филиали раиси Махаммад Алиев 1977-1979 йилларда Германияда хизмат қилиган. Ҳарбийдан кайтгач, узоқ йиллар Шимкент шаҳрида ҳуқуқ-тартибот идораларида фаолият юритди, ҳозирги аъзолари кунда у таникли нотариус. Яқин

кунларда бирлашманинг бир йиллиги нишонланади. Шимкент шаҳрида ўтадиган байрам тадбирiga сайдримлик фахрийлар ҳам тақлиф этилган.

"Мўрагер" ташкилоти аъзолари Рўзимат Исоков, Баҳтиёр Туламатов, Ҳамроқул Нишонбоев, Мирзарахим Мирходиев, Ҳудойберган Тоҳиев каби фахрийлар ташкилоти фаолиятига саломлики хисса қўшимоқда, жамоат ишларида фаоллик кўрсати, турли ҳайрия тадбирлари ва акцияларда иштирок этишмоқда.

Жумладан, улар "Жанубий Қозғистон" газетасини кўллаб-кувватлаб, обунага ҳисса қўшиши ниятида.

3. МўМИНЖНОВ.

Тасвирида: "Мўрагер" бирлашмасининг Сайрам туман филиали раиси Махаммад Алиев 1977-1979 йилларда Германияда хизмат қилиган. Ҳарбийдан кайтгач, узоқ йиллар Шимкент шаҳрида ҳуқуқ-тартибот идораларида фаолият юритди, ҳозирги аъзолари кунда у таникли нотариус. Яқин

кунларда бирлашманинг бир йиллиги нишонланади. Шимкент шаҳрида ўтадиган байрам тадбирiga сайдримлик фахрийлар ҳам тақлиф этилган.

3. МўМИНЖНОВ.

Тасвирида: "Мўрагер" бирлашмасининг Сайрам туман филиали раиси Махаммад Алиев 1977-1979 йилларда Германияда хизмат қилиган. Ҳарбийдан кайтгач, узоқ йиллар Шимкент шаҳрида ҳуқуқ-тартибот идораларида фаолият юритди, ҳозирги аъзолари кунда у таникли нотариус. Яқин

кунларда бирлашманинг бир йиллиги нишонланади. Шимкент шаҳрида ўтадиган байрам тадбирiga сайдримлик фахрийлар ҳам тақлиф этилган.


3. МўМИНЖНОВ.

>> Нуқтаи назар

ИНСОН БЎЛИБ КЕЛДИК ДУНЁГА...

Инсон – буюк зот, унинг яратувчиси буюкдир. Аллоҳ таоло буюклик ва қудратлиликни факат уни севган ва ёдидан чиқармайдиган зотга ато этган. Аллоҳ таоло яратган барча неъматларнинг энг азизи ва буюги ҳам инсондир. Оддий косибдан тортиб, буюк сиймаларгача шу муборак ном билан юритилади. Инсон хоҳ ҳаёт бўлсин, хоҳ ҳаётдан ўтиб кетган бўлсин у, барбири, биз учун азиз ва мукаррэмидир. Шу сабабли инсоннинг қадр-қиммати ва хотираси улуг ва мўътабардир.

Биз ҳар иили улуг кунларда қабристонларга борамиз, ўтганларни ёд этамиз, улар қабри, олдида бош эгиб, таъзим қиласидар. Бу дунёдан кўз юмғандар ҳақиқатан ҳам тупроққа коришиб кетдилар-у, энди улар кайтиб бош кўттармайдилар. Улар тириклини абадий тарқ этиб кетдилар, Аслида, бу ёргу оламга келиш ва ўндан кетиш, табии, албатта. Лекин, бу орада ҳаётдан бевақт кетгандар, зулм қурбонлари, жон фидо қилгандар ҳам измас. Ана шу қиска умримиз давомида не-не дўстларимиз, азизларимиз, устоzlаримиз, сұхbatoshlarimiz, қариндошларимиз ва ўз падари бузрукворларимиз ва болидай мөхрибонларимизни йўқотдик, уларни заминга топширидик. Биз, тириклар, улар хотирасини мүқаддас биламиз. Азизлар руҳи биз билан, энг ишлари-ю, колдирган меросларига соғдикмиз, ижоди-ихтиrolа-рига ҳамдам ва ҳамкоримиз. Агар уларни унутсан, шаксиз, коғир бўламиз. Инсон қадрни билмайдиган бадбахт кимсага айланаб қоламиз. Чунки, ўтганларни эслаб, уларнинг меҳнати ва ижодий саҳифаларини варақлаб, улардан сабоқ



оламиз, ёшларимизни тарбиялаймиз. Она заминимиз айланади, одамлар туғилади ва савоби ишлар қиласди. Оила, фарзандлар, мансаблар, бойликлар... Дўстуёрлар ортириади, китоблар ёзади, дараҳтлар экади, иморатлар, масжидлар курадилар. Сўнг... Сўнгги йўлга равона бўлади. Ҳаёт ўйли қанчалар олис, қанчалар ширин, қанчалар бедаво, довонли бўлмасин, баъриб, унинг охири бор. Унга шоҳ ҳам, гадо ҳам, баъриб.

Қабристон! Индамаслар диёри, дуру-жавоҳирлар макони. Дунёни ларзага келтирган фотиҳлар, саркардао паҳлавонлар, аллома овлиёлар, олиму физулопар, барча-барчанинг азизларимиз, азизларимиз, устоzlаримиз, сұхbatoshlarimiz, қариндошларимиз ва ўз эмас. Ана шу қиска умримиз давомида не-не дўстларимиз, азизларимиз, устоzlаримиз, сұхbatoshlarimiz, қариндошларимиз ва яна, яна қанчаларини абадий ўйкади. Улар, гўё, бизга термулиб, қараб туришандек, бўздан нимадир, недир сўрашаётгандек... Аста-аста қабрлар ўнгига борамиз, тиловат қимматларидан иштирокларни айтади. Нима учун, нима сабабдан, деб сўйрасиз. Чунки, қабрлар иссиқ бўлади, руҳлар тирик бўлади. Оҳу-фарёллар, аламлар, армонлар, орзу тўла қалблар хали тўла сунид етганича йўқ... Боз устига қўёш ҳам ўз нурини ана шу қабрларлар устига биринчи бўлиб сочади.

Товушсиз йиглаётган лолалар сизга не-не ҳикматлардан сўзлагай. Сиз эса эшитмайсиз. Келинг, сабр-қаноат туйгўлари ҳамроҳингиз бўлсин. Иймон, инсоф,